



ANALYSIS OF ISSUES RELATED TO EXTREMISM IN RELIGION IN THE QUR'AN AND SUNNAH

Qudratulloh Sidiqmetov

Lecturer

*Tashkent Islamic Institute named after Imam Bukhari
Uzbekistan, Tashkent*

ABOUT ARTICLE

Key words: Religion, extremism, moderation, servant, soul, faith, Qur'an, hadith, belief, action, balance, world, Hereafter.

Received: 08.02.25

Accepted: 10.02.25

Published: 12.02.25

Abstract: The article highlights that for individuals to achieve peace and prosperity in their personal and social lives, as well as eternal happiness in the Hereafter, they must adhere to the teachings of Islam without negligence or excessiveness. It emphasizes the necessity of moderation in following these teachings. It is recommended that individuals pay attention to both their physical and spiritual states, avoiding extremes such as neglecting spirituality for the sake of physical health or, conversely, abandoning physical necessities for the sake of spiritual perfection.

The article also discusses the importance of avoiding extremism in worship, stressing that Muslims have responsibilities not only to themselves but also to those around them, and they must not violate others' rights through excessive acts of worship.

In financial acts of worship, such as charity, almsgiving, and zakat, Muslims must avoid extravagance and wastefulness, which could harm themselves and society. Moderation is presented as the ideal path, not only in acts of worship or Sharia rulings but also in worldly matters, such as eating, drinking, sleeping, resting, working, laughing, crying, speaking, and remaining silent. Choosing the middle path and avoiding excessiveness is described as the essence of Islamic teachings. The article further emphasizes that the easiest and most appropriate way to maintain moderation and avoid extremism is to follow the Sunnah of the

Prophet Muhammad (peace be upon him). The Prophet deliberately abstained from certain acts to prevent hardship for his followers. He recommended moderation in all matters, including worship, and set the perfect example in this regard.

ҚУРЬОН ВА СУННАТДА ДИНДА ҒУЛУВГА КЕТИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Кудратуллоҳ Сидикметов

ўқитувчи

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти

Ўзбекистон, Тошкент

МАҶОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Дин, ғулув, мўътадиллик, банда, рух, иймон, Қуръон, хадис, эътиқод, амал, васатийлик, дунё, охират.

Аннотация: Маҷолада инсоннинг шахсий ва ижтимоий ҳаётида тинч ва фаровон турмуш кечириши ҳамда охират ҳаётида ҳам саодатга эришиши учун Ислом дини кўрсатмаларига беътибор бўлмаслиги, шу билан бирга мазкур кўрсатмаларда ғулувга ҳам кетмаслиги, балки мўътадилликни лозим тутиши зарур экани очиб берилган.

Бу борада инсон ўзининг ҳам жисмоний ҳам руҳий ҳолатига эътибор қаратиши, фақат жисмонан саломатлик қасдида руҳиятини эсдан чиқармаслиги, ёки аксинча руҳий етуклик ниятида ғулувга кетиб, жисмоний заруратларни тарк этмаслиги тавсия этилади.

Ибодатларда ҳам ғулувга кетишдан сақланиш, мусулмоннинг ўз нафсида ҳам, атрофидаги инсонлар олдида ҳам мажбуриятлари бор эканлиги таъкидланиб, уларнинг ҳақларини ибодатларда ғулувга кетиш билан поймол қиласлик керак эканлиги батафсил ёритилган.

Эҳсон, садақа, закот каби молиявий ибодатларда ҳам мусулмон киши ғулувга кетмаслиги, исрофга йўл қўймаслиги зарур. Акс ҳолда ўзига, шу билан бирга жамиятга ҳам зарар етказиши мумкин.

Мўътадиллик нафақат ибодат ёки шарият хукмларида, балки бутун дунёвий ишларимизда ҳам энг тўғри йўлдир. Ҳар бир ишда, еб-ичиш, ухлаш, дам олиш ёки меҳнат қилиш, кулиш, йиғлаш, гапириш, сукут сақлаш, ушбу ишларнинг барча барчасида энг ўртасини, мўътадилини танлаш, ҳаддан ошиб, ғулувга кетмаслик асл ислом динининг мезонидир.

Шу билан бирга мақолада мазкур масалаларда ғулувга кетмаслик, энг муносиб ва мўътадил йўлни тутишнинг энг оддий ва осон йўли бу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашиш эканлиги таъкидланади.

Зеро, Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзи ишларни гоҳида атайлаб тарк қиласин. Чунки, умматга машаққат бўлишини истамаган. Ҳар бир ишда, шунингдек, ибодатда ҳам мўътадил бўлишини тавсия қиласин ва бу борада энг етук номуна бўлган.

АНАЛИЗ ВОПРОСОВ РЕЛИГИОЗНОГО ЭКСТРЕМИЗМА В КОРАНЕ И СУННЕ

Кудратулло Сидикметов

Преподаватель

Ташкентского исламского института имени Имама Бухари

Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Религия, крайность, умеренность, раб, душа, вера, Коран, хадис, убеждение, деяние, баланс, мир, вечность.

Аннотация: В статье подчеркивается, что для достижения человеком мира и благополучия в личной и общественной жизни, а также счастья в вечной жизни, необходимо придерживаться предписаний Ислама без пренебрежения или излишества. Акцент сделан на важности умеренности в следовании этим предписаниям. Рекомендуется обращать внимание как на физическое, так и на духовное состояние человека, избегая крайностей, таких как пренебрежение духовностью ради физического здоровья или, наоборот, отказ от физических потребностей ради духовного совершенства.

Также обсуждается необходимость избегания крайностей в поклонении, подчеркивается, что мусульманин имеет обязанности как перед собой, так и перед окружающими, и не должен нарушать их права чрезмерными актами поклонения. В финансовых формах поклонения, таких как милостыня, пожертвования и закят, мусульмане должны избегать расточительности, которая может нанести вред как им самим, так и обществу.

Умеренность представляется как идеальный путь не только в поклонении или установлениях шариата, но и в мирских делах, таких как еда, питье, сон, отдых,

труд, смех, плач, речь и молчание. Выбор среднего пути и избегание излишеств описывается как суть исламского учения. Кроме того, подчеркивается, что самым простым и правильным способом соблюдать умеренность и избегать крайностей является следование сунне Пророка Мухаммада (мир ему и благословение). Пророк сознательно отказывался от некоторых действий, чтобы не усложнять жизнь своей общине. Он рекомендовал умеренность во всем, включая поклонение, и был в этом лучшим примером.

КИРИШ

Ислом дини ҳар бир инсон шахсий ҳаётида ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам тинч тотув ва фаровон ҳаёт кечириши ҳамда дунё ва охират саодатини қўлга киритиши учун етарли кўрсатмаларни берган. Бу йўлда динимизнинг ўзига хос тавсиялари ва қонун-қоидалари бор. Шулар ичида мўътадилликни лозим тутиш энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Ислом дини модда ва рухни, дунё ва охиратни бирдек эътиборга олади. Бирини эътироф қилиб, иккинчиси инкор қилмайди. Мўътадиллик, ишларда ўрта йўлни тутиш Ислом умматига хосдир. Бу ҳақида Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деган:

وَكَذِلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أَمَّةً وَسَطًا

“Шунингдек, сизларни “ўрта уммат” қилиб қўйдик” (Бақара сураси, 143-оят).

Ислом уммати мўътадил уммат. Ислом уммати айрим умматлар каби фақатгина модда ёки фақатгина рух томонига эътибор бериб, ғулувга кетмаган. Аксинча, рух билан модда, дин билан дунё, осмон билан ер, иймон билан амал, ҳалқ билан Холиқ ва ақл билан ваҳий ўртасини жамлаган мўътадил умматdir.

АСОСИЙ ҚИСМ

Аввало, биз, “ғулув” сўзининг маъносини ўрганиб қўрсак. “Ғулув” сўзи арабча сўз бўлиб, “руҳсат берилган чегарадан чиқиш” деган маънони билдиради. Истилоҳда эса дин таълимотини талқин қилишда ҳаддан ошишни англатади. Аллома Ибн Ҳажар ғулувга: “бирор нарсада муболага қилиб, белгиланган чегарадан чиқиб, унда қаттиқлик қилишдир” – деб таъриф берган. Имом Набавий эса ғулувни: “шариатда талаб этилган нарсага қўшимча киритиш”, – деб атаган. Абдул Карим Юнус Ал-Хатибининг таърифи куйидагича: “Ғулув — бирор нарсада муболага қилиб, унда ҳаддан ошиш ва мўътадиллик чегарасидан чиқишидир”. Динда ғулувга кетиш мусулмон жамиятларида ихтилоф ва гуруҳбозликка, фитнага ва охир-окибат ақиданинг бузилишига олиб келади. Ислом тарихида хавориж, мўътазила ҳамда бошқа оким ва тоифаларнинг вужудга келиши ҳам, асосан, динда ғулувга

кетиши натижасида содир бўлган. Айни вақтда, ғулувга берилганлар динни ўта оғир ва мешакқатли тушунтирганлари боис, одамлар тўғри йўлдан озига, ислом динидан безиб қоладилар.

Аслида Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган киши абадий ҳаёти бўлмиш охиратини қўлга киритиш учун фоний дунёсини хавф-хатарга қўймайди. Йўқ, у иймони билан ҳар иккала ҳаётни ҳам қўлга киритади ва дунё ва охиратда икки яхшиликка эришади. Аллоҳ таоло шундай деган:

لَذِينَ أَحْسَنُوا فِي هَذِهِ الدُّنْيَا حَسَنَةً وَلَدَارُ الْآخِرَةِ خَيْرٌ

«Бу дунёда чиройли иш қилганлар учун чиройли мукофот бўлур. Лекин охират диёри янада яхшироқдир». (Наҳл сураси, 30-оят)

Ислом динининг эътиқод, амал, илм ва ахлоқ каби муҳим ишлардаги мўътадиллигига Куръони карим, ҳадиси шарифлар ва уламоларнинг сўзларини маҳкам ушлаш билангина эришиш мумкин.

Биз васатийлик, яъни мўътадиллик йўлини яхши тушуниб олиш учун ғулув, ҳаддан ошиш ва чегарадан чиқиши кабиларни, шунингдек, камчиликка йўл қўйиши масалаларини яхши билиб олишимиз керак бўлади. Чунки мўътадиллик мана шу икки нуқсонли ишлар ўртасида бўлади.

Ҳаким зотлардан бири айтган экан: “Бандалар Аллоҳ таоло буюрган амалларни адo қилишларида шайтоннинг икки ҳамласига учрашлари бордир: Бири – банданинг шу амалда нуқсонга йўл қўйиши бўлса, иккинчиси – унинг шу амалда ҳаддан ошириб юборишлариридир. Шайтон буларнинг қайси бирида ғолиб бўлишига парво қилмайди. Яъни, қайси бирида бўлса-да, ғолиб бўлиши унинг учун кифоядир”.

Банда шайтоннинг мазкур икки ҳамласини даф этиши учун унинг амалларида нуқсон ҳам, ҳаддан ошиш ҳам бўлмаслиги лозим. Бунинг **мезони – суннатдир**.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам ибодатда ғулув кетишдан қайтарганлар. Бу борада Имом Бухорий ва имом Муслимлар ривоят қилган ҳадис билан атрофлича танишиб чиқсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳадиси шарифда шундай дейилган:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ نَلَائِنَةً رَهْطٍ إِلَى بَيْوَتِ أَزْوَاجِ النِّسَاءِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْأَلُونَ عَنْ عِبَادَةِ النِّسَاءِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. فَلَمَّا أَخْبَرُوا كَاتَهُمْ تَقَالُوهَا، فَقَالُوا: وَأَيْنَ مِنَ النِّسَاءِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَدُعِّفَ اللَّهُ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ
وَمَا تَأْخَرَ؟ قَالَ أَحَدُهُمْ: أَمَّا أَنَا فَأَصْلِيُ الظَّلَلَ أَبْدًا. وَقَالَ آخَرُ: أَنَا أَصُومُ الْهَاجَرَ أَبْدًا، وَلَا أَفْطُرُ. وَقَالَ آخَرُ: أَنَا أَعْتَزُ النِّسَاءَ فَلَا
أَتَرْوَجُ أَبْدًا. فَجَاءَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «أَنْتُمُ الَّذِينَ قُلْمُمْ كَذَا وَكَذَا! أَمَّا وَاللَّهِ إِنِّي لَا حَشَانُمْ لِلَّهِ، وَأَنْقَاعُمْ لَهُ، لَكُنِّي
أَصُومُ وَأَفْطُرُ، وَأَصْلِي وَأَرْقُدُ، وَأَتَرْوَجُ النِّسَاءَ، فَمَنْ رَغَبَ عَنْ سُنْنَتِي فَلَيْسَ مِنِّي». رواه البخاري

Анас ибн Молик розияллоҳу анху айтади: “(Саҳоблардан) уч нафари Набий соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ибодатлари ҳақида сўраш учун Набий соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг жуфти ҳалолларининг уйларига келишди. Уларга хабар берилгач, улар буни

(ўзлари учун) оз санагандек бўлиб, “Биз қаёқда-ю, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қаёқдалар?! Ахир, у зотнинг аввалгию охирги гуноҳлари мағфират қилинган бўлса”, дейишиди. Шунда улардан бири: “Мен абадул-абад туни билан намоз ўқиб чиқаман”, деди. Бошқаси эса: “Мен умр бўйи рўза тутаман, (хеч қачон кундузи) оғиз очик юрмайман” деди. Яна бошқаси: “Мен аёллардан четланаман, хеч қачон уйланмайман” деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб: **“Сизларми шундай, шундай деганлар? Ҳой, Аллоҳга қасамки, албатта, мен сизларнинг (ичингизда) Аллоҳдан энг қўрқувчи ва энг тақводорингизман. Лекин мен рўза ҳам тутаман, оғиз очик ҳам юраман, намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам ва аёлларга уйланаман ҳам. Ким менинг суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмасдир”** дедилар[1]. Имом Бухорий ривоят қилган.

Саҳобаи киромлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳар бир ишларида эргашишлари учун у зотнинг барча амалларига эътиборли бўлишган. Ушбу ҳадисга кўра, саҳобалар Пайғамбар алайҳиссалом адo этадиган нафл ибодатлар ҳақида сўраш учун оналаримизнинг олдига келишиди. Чунки Набий алайҳиссаломнинг ички ибодатларини оналаримиз яхши билишарди. Оналаримиз уларга Пайғамбар алайҳиссаломнинг ички ибодатларини баён қилишганида улар бу ибодатларни ўзлари учун оз санадилар. Чунки улар Пайғамбар алайҳиссаломни инсонларнинг энг ибодатлиси деб билишар эди. Шу сабаб у зотнинг ибодатларини барча инсонларнинг ибодатларидан зиёда бўлса керак деб ўйлашарди. Уларга пайғамбар алайҳиссаломнинг ибодатлари ҳақида хабар берилгач, улар буни ўзлари учун оз санаб, “Биз қаёқда-ю, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қаёқдалар?!” деб, ўзларининг даражалари пастлиги, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг даражалари юқори эканини зикр қилишиди. Бундан ташқари у зотнинг аввалгию охирги гуноҳлари мағфират қилингани, шундай бўлса ҳам у зот ибодат қилаётганини айтишиди. Улар гўё ушбу сўзлари билан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ибодатлари оз эканининг узрини баён қилишиди. Ўзларининг қилиб турган ибодатларини эса кам деб билдилар ва улардан бири кечалари тинмай ибодат қилишни, иккинчиси умр бўйи рўза тутишни, учинчиси эса уйланмасликни айтди. Пайғамбар алайҳиссалом келгач, улардан айтган гаплари ҳақида сўради ва уларга эътиroz билдириб, ибодат борасида ўзлари мўътадил эканини, тунлари ибодатга машғул бўлиб, баъзида ухлашларини, рўза тутишлари ва баъзан оғзи очик юришларини ҳамда аёлларга уйланишларини айтдилар. Бу билан Набий алайҳиссалом уларга нажотнинг сабаби фақат ибодат эмаслигига танбех бердилар. Чунки нажотнинг василаси ибодатнинг ўзи эмас, балки у зот алайҳиссаломга эргашишдадир. Инсонларнинг энг художўйи бўлиш ҳам ибодатнинг миқдорига кўра эмас, балки кайфиятига кўра, яъни Расулуллоҳ алайҳиссалом сунатига мувофиқлигига кўра бўлади[2].

Аллоҳ таоло бандаларини гўзал амалга тарғиб қилиб шундай деган:

الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيَاةَ لِيَبْلُوْكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلاً

“У Зот сизлардан қай бирингиз энг яхши амални қилишингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратди”. (Мулк сураси, 2-оят).

Оятга эътибор килайлик, Аллоҳ таоло “**энг яхши амални**” деди, “**энг кўп амални**” демади.

Энг гўзал амал суннатга эргашиш орқали амалга ошади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг озгина ибодатлари ҳам бутун башариятнинг ибодатидан устун туради. Барча обидлар ибодати жамланса ҳам у зотнинг икки ракат ибодатига тенг келмайди.

Хадисдан маълум бўладики, суннатга эргашиш Набий алайҳиссаломнинг феъллари ва сўзларига мувофиқ амал қилингандагина юзага чиқади.

Ислом дини ғулувдан қайтариши борасида яна бир ҳадсида шундай дейилган:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: صَنَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَيْئًا، فَرَأَ حَصَنَ فِيهِ، فَتَرَرَهُ عَنْهُ قَوْمٌ، فَلَعِنَ دَلْكَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَخَطَبَ فَحَمَدَ اللَّهَ، ثُمَّ قَالَ: مَا بَالُ أَقْوَامٍ يَتَنَزَّهُونَ عَنِ الشَّيْءِ أَصْنَعُهُ، فَوَاللَّهِ إِنِّي لَا عَلِمْهُمْ بِاللَّهِ وَأَشَدُهُمْ لَهُ خَشْيَةً». متفق عليه.

Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир иш қилдилар ва бунга рухсат бердилар. Бир қавм ундан ўзларини тийишиди. Бу нарса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб борди. Шунда у зот хутба қилдилар. Аллоҳ ҳамд айтиб, сўнг шундай дедилар: “**Бу қавмларга нима бўлдики, мен қиласидиган ишдан ўзларини тийишмокда?!** Аллоҳга қасамки, албатта, мен уларнинг (орасида) **Аллоҳни энг яхши танийдиганиман ва У Зотдан энг кўп қўрқадиганиман**”. Муттафакун алайҳ[3].

Ушбу ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом шаръян рухсат бўлган бир ишни қилгани ва шу ишни қилишни соҳабаларга ҳам рухсат бергани баён қилинганди. Баъзи саҳобалар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортиқча ажр ва савобга ҳожати йўқ, бизнинг эса ҳожатимиз бор, шунинг учун биз рухсатини қўйиб, қийинини қилишимиз керак деб тушунишиди. Пайғамбар алайҳиссалом уларнинг бу ишига норози эканини билдириб, уларнинг ичиди Аллоҳни энг яхши танийдигани ва Аллоҳдан энг қўрқадигани ҳам ўзлари эканини, шундай бўлса-да, рухсатга амал қилишларини маълум қилдилар.

Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсаларни ҳаромга чиқаришнинг гуноҳи У Зот ҳаром қилган нарсаларни ҳалолга чиқаришнинг гуноҳидан кам эмас. Мусулмон Аллоҳ таоло унга жорий қилган шариат билан яшайди, ўзига ўзи жорий қилиб олган шариат билан эмас, бунда гарчи яхши ниятда бўлса ҳам. Чунки бандалик Аллоҳ таоло ва Унинг расулининг амрига бўйсениш билан юзага чиқади. Шундай экан, Аллоҳ таоло ва Унинг пайғамбари кенгчилик берган ўринларда ғулувга кетиб, йўлни торайтириб қўйиш жоиз эмас.

Аллоҳ таоло бандалари мاشаққатли амалларни сабр билан қилишини яхши күргани каби, рухсатларга амал қилишини ҳам яхши күради. Чунки рухсатта амал қилишда банда ўзининг ожизлигини изҳор қилиши, эътироф қилиш бор. Шу сабабдан Аллоҳ таоло бу ишни ҳам яхши күради. Банда хожатмандлигини изҳор қилиши керак. Чунки Аллоҳ таоло катта кетганларни хуш кўрмайди. Шундай экан, рухсатта амал қилиш ҳам суннатни маҳкам тутиш саналади.

Мўътадилликни лозим тутиш нуқсон ҳисобланмайди. Зоро, мўътадиллик – хаддан ошиш ёки сусткашликка йўл қўйиш, қаттиқ олиш ёки ўта бўш қўйиб юбориш ўртасида бўлиб, ушбу мувозанатни сақлаган киши тўғри йўлда бўлади.

Пайғамбаримизнинг ҳаётлари мўътадилликка асосланган эди. У зот ҳеч қачон умматларини оғир ибодатларга буюрмасди. Баъзи амаллар умматга фарз бўлиб қолишидан хавфсираб, ўша амалларни гоҳида тарк қиласидилар.

عَنْ عَائِشَةَ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى دَاتَ لَيْلَةً فِي الْمَسْجِدِ فَصَلَّى بِصَلَاتِهِ نَاسٌ ثُمَّ صَلَّى مِنَ الْقَابِلَةِ فَكَثُرَ النَّاسُ ثُمَّ اجْتَمَعُوا مِنْ الْبَيْلَةِ الثَّالِثَةِ أَوِ الرَّابِعَةِ فَلَمْ يَخْرُجْ إِلَيْهِمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمَّا أَصْبَحَ قَالَ قَدْ رَأَيْتُ الَّذِي صَنَعْتُمْ وَلَمْ يَمْنَعْنِي مِنَ الْخُرُوجِ إِلَيْهِمْ إِلَّا أَنِّي خَشِيتُ أَنْ تُفَرَّضَ عَلَيْكُمْ وَذَلِكَ فِي رَمَضَانَ
قالَ قَدْ رَأَيْتُ الَّذِي صَنَعْتُمْ وَلَمْ يَمْنَعْنِي مِنَ الْخُرُوجِ إِلَيْهِمْ إِلَّا أَنِّي خَشِيتُ أَنْ تُفَرَّضَ عَلَيْكُمْ وَذَلِكَ فِي رَمَضَانَ. روах бхари

Мўминларнинг онаси Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кеча масжидда намоз ўқидилар. Бир гурӯҳ одамлар у зотнинг намозларига эргашиб намоз ўқишиди. Сўнг у зот кейин(ги кечада) ҳам намоз ўқидилар, одамлар ҳам кўпайишиди. Сўнгра учинчи [ёки тўртинчи] кечада ҳам тўпланишган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдига чиқмадилар. Тонг отгач: «Дарҳақиқат, қилган ишингизни кўрдим. Бунинг сизларга фарз қилинишидан қўрқканим сизларнинг ёнингизга чиқишимга монелик қилди», дедилар. Бу Рамазонда бўлган эди». Имом Бухорий ривоят қилган[4].

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَوْلَا أَنْ أَشْفَقَ عَلَى أُمَّتِي أَوْ عَلَى النَّاسِ لَأَمْرَתُهُمْ بِالسِّوَاكِ مَعَ كُلِّ صَلَاةٍ رواه البخاري

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Агар умматимга [ёки одамларга] мешаққат қилиб қўйишим бўлмаганида уларни ҳар намозда мисвокка буюрган бўлардим”, дедилар. Имом Бухорий ривоят қилган[5].

У зотнинг суннатлари осон ва мешаққатсиз бажариладиган амаллар эди. У зот алайҳиссалом умматнинг энг заиф қатламини ҳам эътиборга олардилар. Бунга қуйидаги ҳадис далолат қиласиди:

عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ أَنَّ رَجُلًا قَالَ: وَاللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي لَا تَأْخُرُ عَنْ صَلَاةِ الْغَدَاءِ مِنْ أَجْلِ فُلَانٍ مِمَّا يُطِيلُ بِنَا فَمَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَوْعِظَةٍ أَشَدَّ غَضَبًا مِنْهُ يَوْمَئِذٍ ثُمَّ قَالَ إِنَّ مِنْكُمْ مُنَفَّرِينَ فَأَيُّكُمْ مَا صَلَّى بِالنَّاسِ فَلَيَتَجَوَّزْ فَإِنَّ فِيهِمُ الْضَّعِيفُ وَالْكَبِيرُ وَذَا الْحَاجَةِ رواه البخاري

Абу Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Бир киши: “Эй Аллоҳнинг расули, Аллоҳга қасамки, фалончи (намозни) чўзиб юбораётгани учун мен бомдод намози(ни жамоат билан ўқиш)га чикмаяпман”, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бирор мавъизада ўша кунгидек каттиқ ғазабланганларини кўрмаганман. Сўнг у зот: **“Ичингизда (намоздан) бездирувчилар бор экан. Қайси бирингиз одамларга намоз ўқиб берса, енгил қилсин. Чунки уларнинг орасида заифлар, кексалар ва юмуши борлар бор”**, дедилар”[6]. Имом Бухорий ривоят қилган.

Амалда ҳаддан ошишдан ҳам кўра, эътиқодда ғулувга кетиш ёмонроқдир. Масалан, пайғамбарларни ҳаддан ташқари улуғлаш натижасида уларни илоҳ даражасига кўтариш ёки Худонинг ўғли, дейиш ҳам динда ҳаддан ошишdir. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди:

يَا أَهْلُ الْكِتَابِ لَا تَغْوِي فِي دِينِكُمْ وَلَا تَنْثُرُوا عَلَى اللَّهِ إِلَّا الْحَقَّ

“Эй, аҳли китоблар! динингизда ғулув қилманглар (чукур кетманглар, ҳаддингиздан ошманглар), **Худонинг шаънига ҳақ сўздан бошқани гапирманглар”**[7]. (Нисо сураси, 171-оят).

Аҳли китобларнинг бир тоифаси Исо алайҳиссаломни хурматлаб, илоҳ даражасига кўтарган бўлса, баъзилари у зотни ўлдирганликларини даъво қиласидилар. Аллоҳ таоло ушбу оятдан аҳли китобларни шундан қайтаряпти. Ислом уммати эса ўрта йўл тутиб, Ийсо алайҳиссаломни Аллоҳнинг бандаси ва пайғамбари деб эътиқод қиласидилар.

Динимизда сарф-харажат ишларида ҳам мўътадиллик тарғиб қилинади. Бундаги афзал ҳолат баҳиллик ва исрофнинг ўртасидир. Бу ҳақда Куръони каримда шундай дейилади:

وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَفْتَرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ قَوَاماً

“Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) **бунинг ўртасида – мўътадиллар”**[8]. (Фурқон сураси, 67-оят).

Ривоят қилинишича халифа Абдулмалик ибн Марвон ўзининг қизлари Фотимани Умар ибн Абдулазизга турмушга бераётган пайтда куёв бўлмиш Умар ибн Абдулазизни синаш учун унга: “Эй Умар, таъминотингиз қандай бўлади?”, деб савол берган экан. Умар: “Эй мўминларнинг амири, таъминотим икки ёмонлик ўртасидаги бир яхшилик бўлади”, деб жавоб берибди ва ушбу оятни ўқибди: **Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар,** (тутган йўллари) **бунинг ўртасида – мўътадиллар”**. Халифа бу жавобдан уларнинг таъминоти енгилгина бўлишидан хотиржам бўлган экан[9].

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам динда ғулувга кетишдан огоҳлантириб шундай дейдилар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: هَلَّكَ الْمُتَنَطَّعُونَ قَالُوهَا ثَلَاثًا. رواه مسلم.

Абдуллоҳ (ибн Масъуд розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ғулувга кетғанлар ҳалок бўлишди”, деб уч марта айтдилар”. Имом Муслим ривоят қилган[10].

МУҲОКАМА

Дин ишлари бўлсин ёки дунё ишлари бўлсин, Ислом дини ўртачаликка, мўътадилликка буюрган. Шу сабабли, ибодатлар масалаларини ҳам бандаларнинг ўзларига кўйиб бермаган. Балки ҳаддан оширмаган ва нуқсонга йўл қўймаган ҳолда қандай адо қилиниши лозим эканини Қуръони карим ва набавий суннат орқали батафсил баён қилиб берган. Мазкур ҳадисда ҳам пайғамбар алайҳиссалом сўзда бўлсин, феълда бўлсин, фикр юритиш ёки бошқа нарсаларда бўлсин, ҳаддан ошиш ва чуқур кетишдан қайтаряптилар. Шундай экан, Аллоҳ таоло кенгчилик берган ўринларда мутассиблик қилиб тор йўлни маҳкам ушлаб олиш, ўзида илм бўлмасада, ўзини илмлик қилиб кўрсатишга уриниш, мубоҳ ишларда ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнаш ҳаддан ошиш ҳисобланади. Ҳаддан ошиш ва таассубнинг ҳар қандай кўринишини тарқ қилиш Ислом буюрган гўзал одоблардан ҳисобланади. Ҳаддан ошишнинг оқибати ниҳоятда ёмон бўлгани учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Ғулувга кетғанлар ҳалок бўлишди” деб, уч марта такрорлаб, таъкидлаб айтдилар.

Динда ғулувга кетиши кўпинча илмсизлик ва ўзининг фикрига таассуб қилиш натижасида келиб чиқади. Ғулувнинг кўринишлари жуда ҳам кўп. Масалан, муомалада, кийинишда, юриш-туришда, заарат ўринларда ҳам тилла ишлатишни тақиқлашда, соч-соқол ўстиришда, диндаги жузъий масалалар ва мустаҳаб амаллар борасида ҳаддан ошиб, худди фарз ёки вожибга қилинган муомала каби муомалада бўлиб, одамларни ҳам шунга тарғиб қилишда, кийиниш борасида шариат талаби даражасида автарларни ёпиб юрар экан, урф бўлмаган ноодатий шаклда кийиниб, барчанинг эътиборини тортадиган кийимларни кийиб юриш кабиларда кўринади.

Одамлардан ажралиб туриш ва бошқаларни ҳам ўзига қаратиши мақсадида хоҳ қимматбаҳо бўлсин, хоҳ йиртиқ-ямоқ бўлсин, муайян кийим кийиш шариатимизнинг кўрсатмаларига хилофдир. Чунки ҳадиси шарифда шундай дейилган:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ لَيْسَ تَوَبَ شُهْرَةٍ فِي الدُّنْيَا أَلْبَسَهُ اللَّهُ تَوَبَ مَذَلَّةً يَوْمَ الْقِيَامَةِ ثُمَّ أَلْهَبَ فِيهِ نَارًا. رواه ابن ماجه

Ибн Умар розияллоҳу анхұмодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким бу дунёда (одамларни ўзига қаратадиган) шуҳрат кийимини кийса, Аллоҳ таоло Қиёмат куни унга хорлик кийимини кийдиради сўнгра ўша кийимда олов ёндиради”, дедилар”[11]. Ибн Можа ривоят қилган.

Авратлар шариат талаби даражасида ёпилар экан, унга кийим-кечак танлашда урфни ҳам назардан четда қолдирмаслик керак бўлади. Шариатда аёллардан талаб этилган либос уларнинг аврат аъзоларини тўлиқ ёпадиган, қоматларини билдириб турмайдиган, шаффоғ бўлмаган либоедир. Максад, у кийим аёлларнинг авратини беркитиб турсин, қадди-қоматини билинтириб турмасин, ўзга эркакларни фитналантирумасин. Унга оқ, қора, кўк, қизил каби маҳсус ранглар тайин қилинмаган. Бунда бирор бир юртга ёки миллатга тақлид қилиш йўқ.

Чунки ислом дини бирор бир миллатга тегишли бўлган дин эмас. Ислом дини ўзлаштирилмайди. Ислом – Аллоҳнинг дини, Расулуллоҳ алайҳиссалом олиб келган динdir. У бирор кимсага нисбат берилмайди. У факатгина уни жорий қилган Зот Аллоҳ таоло ва уни етказган шахс Муҳаммад алайҳиссаломгагина нисбат берилади. Бошқа бирор кимсанинг исмига боғлиқ эмас. Лекин шариат кўрсатмаларига зид келмаган ишларда урфга амал қилинаверади. Ислом уларга дахл қилмайди, балки уларни тартибга солади холос. Ислом дини урфни инкор қилмаслигини, аксинча эътироф қилишини турли юртларда ўз урфларининг жорий бўлиб турганида кўришимиз мумкин. Агар инкор қилганида ҳаммани битта қолипга солиб қўйган бўларди. Лекин ундан қилмади. Демак, шариатга зид бўлмаган ўринларда ҳар ким ўз урф-одати ва миллийлигига мос равишда яшashi, кийиниши, юриширишида ҳеч қандай монелик йўқ.

НАТИЖА

Динда ғулувга кетишнинг энг катта хатарларидан бири – ғулув сабабли мусулмонлар орасида тафриқа келиб чиқишидир. Бунинг оқибатида фитналар, бекарорликлар вужудга келади. Тинчликка путур етади, жамият бирлиги заифлашади. Бу борада Аллоҳ таоло Куръони каримда бундай деган:

وَأَطِيعُوا اللَّهُ وَرَسُولَهُ وَلَا تَنَازُعُوا فَتَفْشِلُوا وَنَدْهَبَ رِيْحَمْ

“(Барча сўзларингиз ва ишларингизда) Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилинг! Ўзаро (ихтилофга бориб) низолашманг. Акс ҳолда муваффақиятсизликка учрайсиз ва (заифлашиб) куч-куvvatингиз кетиб қолади”[12]. (Анфол сураси, 46-оят).

Демак, ўзаро келишмовчиликда, низода ва ихтилофда бўлиш, турли фирмаларга бўлиниш шу халқнинг муваффақиятсизликка учраши, сустлашуви ва куч-куvvati кетишига сабаб бўлади.

Юрт тинчлиги учун, муваффақият қозониш учун халқнинг бирлиги муҳим. Динимиз талаби ҳам шу эканини юқоридаги оятларда айтиб ўтдик. Халқ қачон бирлашади?. Қачонки уларнинг ташвиши битта бўлса, мақсади битта бўлса, – мақсад шу юртни обод қилиш бўлса, шунда бирлашади.

Фаръий масалаларда, ижтиходий масалаларда, ҳошиядаги масалаларда жанжал ва тортишувлар денгизига шўнғиб кетиш, умматнинг асосий муаммоси қолиб, жузъий масалаларда тортишиш умматга хиёнат, ҳалққа хиёнатдир. Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ ривоят қилган ҳадисда шундай дейилган:

عَنْ أَبْنِ أَبِي ثُعْمَانَ قَالَ: كُنْتُ شَاهِدًا لِابْنِ عُمَرَ وَسَلَّمَ رَجُلًا عَنْ دَمِ الْبَغْوَضِ فَقَالَ: مَمَنْ أَنْتَ؟ قَالَ: مِنْ أَهْلِ الْعَرَاقِ. قَالَ: انْظُرُوا إِلَى هَذَا، يَسْأَلُنِي عَنْ دَمِ الْبَغْوَضِ وَقَدْ قَتَلُوا ابْنَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَسَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: هُمَا رِيحَاتَنَا يَمِنُ الدُّنْيَا. رواه البخاري

Ибн Абу Нуъмдан ривоят қилинади: “Бир кишининг ибн Умардан чивиннинг қони ҳақида сўраганига гувоҳ бўлдим. (Яъни эхромдаги киши чивинни ўлдириб қўйиши ҳақида сўраган эди) Шунда у: “Сен кимлардансан?”, деди. У: “Ироқ аҳлиданман”, деди. “Манавини қаранглар, мендан чивиннинг қони ҳақида сўрашяпти! Ҳолбуки, ўзлари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғилларини (набираларини) ўлдиришган. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “**Бу иккови (Ҳасан ва Ҳусайн) менинг дунёдаги райҳонларимдир**”, деганларини эшитганман”[13]. Имом Бухорий ривояти.

Мусулмонлар имом Ҳусайн розияллоҳу анхуга бўлган хурматлари, муҳаббатлари сабаб у зотнинг ўлимига сабабчи бўлган ироқликларни бир муддат хушламай юрганлар. Шунинг учун ироқликлардан бирининг чивинни ўлдириш ҳақида сўраши Абдуллоҳ ибн Умарни таажжубга солган[14].

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, модомики, ташвишимиз бир бўлмас экан, ҳамма аравани ўзи томонга тортаверар экан, олдинга бир қадам ҳам юролмаймиз. Душман эса битта-битта тортиб ҳалок қилаверади. Кенгчилик бор ўринларда, ижтиходий масалаларда таассубга берилиб йўлни тор олиш тўғри эмас. Ихтилофли масалаларни катта уламоларга қолдириш керак. Биз ихтилоф қилмайлик. Бағримизни кенгроқ очайлик. Билмаган нарсаларга аралашмайлик.

Умматнинг иттифоқи, ҳалқнинг бирлиги ўта муҳим. Бирлик заифга қувват беради, кучлининг кучини янада зиёда қиласди. Куч-қувватимиз, ҳимматимиз ва ҳаракатларимизни ёшларимизни турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишидан, оммавий маданият таъсиридан асрashимиз керак. Биз кўп масалаларда иттифоқ қилганмиз. Ихтилофли ишларни бир четга суриб қўяйлик. Уламоларга қўйиб берайлик.

Аллоҳ таоло барчамизни ўзи мақтаган “ўрта уммат” сафига қўшсин! Ҳар соҳада мўътадилликка амал қилиб, икки дунё саодатига етишни мұяссар қилсин! Омин!

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бадруддин Абу Мухаммад Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Айний. Умдатул қорий шарҳу Саҳихил-Бухорий. –Байрут: Дору Ихёут-туроc ал-арабий, 2003. – Ж. 18. – Б. 84.

2. Валиюддин Ҳатиб ат-Табризий. Таржимонлар: Ҳикматуллоҳ Абиев, Қудратуллоҳ Сидикметов Жалолиддин Холмўминов, Шокиржон Мадаминов. Мишкот Ал-Масобих шархи. – Т.: “Hilol-nashr” нашриёти, 2023. – Б. 509-511.
3. Абдулҳак Дехлавий. Ламаот ат-танқих шархи Мишкот ал-масобих. – Дамашқ: Дор ан-Наводир, 2014. – Ж. 1. – Б. 453-454.
4. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва таржимонлар гуруҳи. Олтин силсила: Саҳиҳул Бухорий. – Т.: “Hilol-Nashr” нашриёти, 2012-2016. – Ж. 2. – Б. 157.
5. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳул-Борий би-шархи Саҳиҳил Бухорий. – Риёз: Дору Тойба, 2006. – Ж. 3. – Б. 152.
6. Бадруддин Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Айний. Умдатул қорий шарҳу Саҳиҳил-Бухорий. – Байрут: Дору Ихёут-туроос ал-арабий. 2003. – Ж. 5. – Б. 356-357.
7. Шайх Муҳаммаджон мулло Рустам ўғли (Мавлавий ҳожи Ҳиндистоний). – Т.: Мунир нашриёти, 2022. – Б. 154.
8. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 365.
9. Доктор Вахба Зуҳайлӣ. Ат-Тафсир ал-Муниӣр. – Дамашқ: Дорул Фикр, 2005. – Ж. 10. – Б. 119-120
10. Шайх Муҳаммад Тақий Усмоний. Фатҳул мулҳим би-шарҳи Саҳиҳил Муслим. – Димашқ: Дорул-қалам, 2006. – Ж. 6/5. – Б. 263.
11. Имом Абул Ҳасан Ас-Синдий. Шарҳу Сунани Ибн Можа. – Байрут: Дорул-маърифа, 2012. – Ж. 4. – Б. 163.
12. Аллома Муҳаммад Алий Собуний. Софвату-т-Тафосир. – Байрут: Дору Ихёут-туроос. 2000. – Б. 348.
13. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва таржимонлар гуруҳи. Олтин силсила: Саҳиҳул Бухорий. – Т.: “Hilol-Nashr” нашриёти, 2018. – Ж. 7. – Б. 416.
14. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва таржимонлар гуруҳи. Олтин силсила: Саҳиҳул Бухорий. – Т.: “Hilol-Nashr” нашриёти, 2014. – Ж. 5. – Б. 652.